

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАҲЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НАВОИЙ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

5140500-География мутахассислиги учун

**“ДЕМОГРАФИЯ” ФАНИДАН
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

Навоий 2005

Тузувчи: Норов Ш.Ш география кафедраси ўқитувчиси.

Такризчи: Рахматов Ю.Б география кафедраси мудири доцент.

**Ушбу муаммоли махрузалар матни
география кафедрасининг 2005 йил 30
августдаги 1-йиғилишида муҳокама
қилинган.**

Кафедра мудири:

доцент Рахматов Ю.Б

**МАВЗУ: АҲОЛИ ГЕОГРАФИЯСИ КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА
ВАЗИФАЛАРИ.**

РЕЖА:

1. Аҳоли географияси - иқтисодий географиянинг муҳим ва алоҳида тармоғи.
2. Аҳоли географиясининг мақсади ва вазифалари.
3. Аҳоли географиясининг бир қанча йўналишлари.

Таянч иборалари:

Аҳоли географияси, демография, этнография, антропология, социология, аҳоли сонининг тадрижий ўсиши, табиий ўсиш, аҳолининг жойланиши, аҳолининг зичлиги, меҳнат ресурси.

Мавзунинг мақсади: Демография ва аҳоли географияси фанининг мақсади, предмети ва вазифаларини ўрганиш.

Аҳоли деганда ҳудудда (бутун ер шари, унинг айрим қисмлари, қитъалар, мамлакатлар, шаҳарлар, районлар ва ҳк.) яшаётган кишилар гуруҳи тушунилади. Аҳоли ва унинг ҳўжалик фаолияти ҳамма даврларда география фанини қизиқтириб келган. География фанлари тизимида иқтисодий географиянинг қарор топиши билан бу масалага қизиқиш айниқса кучайди. Бу ғежиз эмас эди. Чунки иқтисодий географиянинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлашиш қонуниятларини ўрганишдир.

Муамоли вазият : Аҳоли сони, уни такрор барпо этилиши, ёш ва жинсий таркибини ўрганиш муҳим вазифалардан биридир. Чунки аҳоли асосий истемолчи ҳамдир. Уни ижтимоий ёхтиёжларини ўрганиш тахлил этиш муҳимдир.

Аҳоли эса ҳар қандай жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучидир. Жамият ҳаёти учун зрур бўлган барча бойликлар инсоннинг меҳнати натижасида яратилади. Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган меҳнат қуроллари, ҳаом ашё, ёқилғи ва бошқа қўшимча материаллар фақат инсон қўли, одам меҳнати туфайлигина ҳаракатга келтирилади ва улар ишлаб чиқариш жараёнининг энг актив элементларидир, қолган барча ишлаб чиқарувчи кучлар ишлаб чиқариш жараёнининг пассив қатнашчиларидир. Шундай қилиб, аҳоли, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришнинг асосий субъектидир. У барча моддий бойликларни яратувчи асосий кучдир.

Аҳоли айна пайтда ишлаб чиқариладиган барча моддий бойликларнинг асосий истемолчисидир ҳам. Истемол эса, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни тугаллайдиган, унга якун ясайдиган қисмидир. Тараққиёт жараёнида аҳолининг шахсий истемоли билан бирга, аҳолининг ўзини такрор барпо қилинади - кишиларнинг авлодлари тарбияланади ва вояга етказилади.

Шунинг учун ҳам аҳолининг географик жиҳатдан ўрганишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур.

1. Аҳоли ишлаб чиқариш субъекти, барча моддий нематларни ишлаб чиқарувчи.
2. Ишлаб чиқариладиган жами ижтимоий маҳсулотларни маълум қисмини истемолчиси.

3. Аҳоли бутун ижтими й такрор ишлаб чиқариш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлиб, ўзи ҳам такрор барпо қилиниши зарур.

Аҳолига ҳос ана шуғулланиш хусусиятларни ўрганмай туриб, ҳар қандай иқтисодий географик муаммони чуқур тадқиқ қилиш ва ҳал қилиш қийин. Ҳудуди

шунга кўра, аҳоли географияси иқтисодий географиянинг бир муҳим тармоғидир. Аҳолининг ҳудудий жойшуви халқ хўжалигининг жойлашуви ҳамда тузилиши билан боғлиқ ва аксинча, аҳолининг жойлашуви, ўз навбатида, хўжаликни ривожлантириш ҳамда жойлаштиришга бевосита таъсири таъти. Турли мамлакатлар ва районлар хўжалигининг ихтисоси ва ривожланиш даражасига шу ҳудудда аҳолининг фаолияти, хўжалик таркиби турлича бўлиши мумкин.

Аҳоли географияси иқтисодий географиянинг бир тармоғи бўлиши билан бирга бошқа тармоқлар (саноат географияси, қишлоқ хўжалиги географияси, транспорт географияси) ўртасида алоҳида ўрин тутати. Чунки аҳоли ишлаб чиқарувчи куч ва ишлаб чиқариш соҳаларида актив қатнашади, иқтисодий география ўрганадиган барча ҳодиса ва жараёнларда ўзи бевосита иштирок этади. Бинобарин, иқтисодий географиянинг барча бошқа тармоқлари аҳоли географияси кўрсаткичларига муҳим ўрин берилади. Акс ҳолда, тегишли хўжалик тармоғи географиясининг барча хусусиятлари тўла очилмай қолиши мумкин.

Чунки ҳозирги замон география фанининг муҳим вазифаларидан бири - табиий шароит, хўжалик, аҳолининг ўзаро алоқалари ва бир-бирига таъсири регионал анализ қилишда ҳамда турли мамлакатлар ва районларда ана шу алоқалар жараёнида вужудга келадиган ҳудудий динамик тизимларни ўрганишдан иборат

аҳоли ер шарининг турли қисмларида вужудга келадиган акс шундай ҳудудий динамик тизимларнинг энг актив таркибий қисмидир.

Аҳоли географияси аҳолининг таркиби, динамикаси ва жойлашувидаги регионал фарқларни, бу фарқларни вужудга келтирадиган қонуниятларни, аҳоли пунктларининг ҳудудий тизимларини в уларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Аҳоли географияси, шунингдек, аҳолининг ер шарини бўйича ва айрим мамлакатлар ҳамда районлар миқёсидаги ҳаракатини ҳам ўрганади.

Аҳолининг ҳудудий жойланиш формалари аҳоли географиясининг муҳим тушунчаларидан биридир.

Аҳолининг ҳудудий тақсимланиши ва жойлашувига табиий шароит ҳам таъсир кўрсатади. Аммо шароит билвосита, яъни ишлаб чиқариш орқали таъсир этади.

Аҳоли географияси бир қанча йўналишларга бўлинади:

1. Аҳолининг таркиби ва тақрор барпо қилинишидаги географик фарқлар ва бу фарқлар сабабини ўрганиш.
2. Меҳнат ресурсларини ва улардан фойдаланишдаги географик фарқларни ўрганиш.
3. Аҳолининг ҳудудий тақсимланиши ва унинг ҳаракатини ўрганиш.
4. Аҳоли пунктлари ва уларнинг ҳудудий тизимларини ўрганиш. Аҳоли географиясининг бу йўналишда шаҳарларни ва қишлоқ аҳоли пунктларини алоҳида ўрганувчи шаҳарлар географияси ва қишлоқ аҳоли пунктлари географияси вужудга келган.
5. Аҳолининг маданияти ва турмуш шароитларидаги географик фарқларни ва уларнинг сабабларини ўрганиш.
6. Тарихий аҳоли географияси. Бу йўналиш ўтган тарихий даврларда аҳоли географиясини ўрганади ва тарихий географиясининг бир қисми ҳисобланади.
7. Аҳолини картага тушириш.

Аҳоли географиясининг олдида бирқанча вазифалар туради:

Биринчидан, мамлакатимиз аҳолиси ва чет мамлакатлар аҳолиси ҳақида, уларнинг сони, ва усиши, ҳудуди жойлашуви, миграцияси, халқлар географияси, аҳоли пунктларининг хилма-хиллиги, турли мамлакатларда шароитига қараб шаҳарларнинг ривожланиш муаммолари ва бошқа маълумотлар билан кенг китобхонлар оммасини ва шунингдек, амалий мақсадлар учун қизиқувчи ташкилотларни таъминлайди.

Икинчи муҳим вазифа - аҳоли географиясининг бевосита амалий вазифаларини хал қилишга қаратилган тадқиқот ишларини кучайтириш.

Бозор итисодиёти шароитида Республикамиз бутун ҳудуди бўйича айниқса қишлоқ аҳоли пунктларида мактаб, мавдо корхоналари, тиббиёт, маданият муассасалари ва бошқаларни режаоли жойлаштириш, меҳнат ресурсларидан мумкин қадар тўла ва оқилона фойдаланиш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги мавжуд тафовутларни аста-секин тугатиб бориш, аҳолининг турмуш даражасини янада кўтариш, бутун аҳоли пунктлари тизимини такомиллаштириб бориш каби муаммоларни хал қилишда аҳоли географияси ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

3. Аҳоли географиясининг бошқа фанлар билан алоқаси.

Аҳоли географиясининг бошқа фанлар билан алоқаси жуда кенг ва ҳар томонламадир. Чунки аҳолини турли аспектда бевосита ўрганадиган ёки аҳолига тааллуқли бўлган масалаларга катт эътибор берадиган фанлар ва фан тармоқлари жуда кўпдир.

Аҳоли географиясининг ўз тадқиқотлари жараёнида алоқа қиладиган ёки ҳамкорликда ишлайдиган фанларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин.

1. География фанининг бошқа фанлар билан тармоқлар билан алоқаси. Булар жумласига: хўжалик географияси, тиббиёт географияси, хизмат кўрсатиш географияси, туризм географияси, тарихий география, картография билан алоқалар қиради.

Шунингдек, аҳоли географияси билан хизмат кўрсатиш географияси ўртасидаги алоқалар ва ўзаро ҳамкорлиги айниқса мустаҳкамдир. Хизмат кўрсатиш географияси аҳолини барча эҳтиёжларига хизмат қилувчи хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланиш даражаси ва ҳудудий жойланишини географик таққослаш усулида ўрганади, хизмат кўрсатиш айрим тармоқларини жойлаштириш, қишлоқ жойларда шаҳар ва шаҳар агломерацияларида хизмат кўрсатиш марказларини вужудга келиш муаммоларини тадқиқ қилади. Хизмат кўрсатиш географияси ўрганиши керак бўлган барча масалаларнинг ҳаммаси фақат аҳоли ва аҳоли пунктлари ҳақидаги батафсил маълумотлардагина анализ қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам у даставвал аҳоли географияси таркибида вужудга келган бўлиб, улар ўртасидаги алоқа ҳар томонламадир.

Аҳоли географияси билан чамбарчас ва ҳар томонлама алоқадор бўлган фанларнинг иккинчи гуруҳи демография ва этнография фанларидир.

Демография ва этнография алоҳида гуруҳга ажратишимиз шу боисданки, улар ҳам аҳоли географияси сингари, аҳолини ўрганади. Уларнинг ҳар қайсиси аҳолини ўз нуқтаи назаридан тадқиқ қилади, албатта. Аммо шундай масалалар борки, уларни бу фанларнинг ҳар уччаласи ўрганади. Бири иккинчисининг материалларидан кенг фойдаланади.

Аҳоли географияси алоқа қиладиган фанларнинг учинчи гуруҳига антропология, социология, меҳнат экономикаси ва бошқа фанлар қиради.

Аҳоли географиясининг социологияси билан алоқалари ва ҳамкорлиги ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Социология жамиятимиздаги кишилар ўртасидаги кўп қиррали ўзаро муносабатларни ўрганади. Турли мақсадларда ўтказиш социологик тадқиқотлар аҳолини географик жиҳатдан таърифлаш учун зарур бўлган маълумотни беради.

Юқорида саналган фанлар билан аҳоли географияси алоқалари серқиррали ва мазмунлидир.

Назорат саволлари

1. Аҳоли географияси курсининг предмети ҳақида сўзлаб беринг.

2. Аҳоли географияси курсининг мақсад ва вазифалари нипалардан иборат?
3. Аҳоли географиясини ўрганиш объекти.
4. Курснинг предмети нипаларни ташкил қилади?
5. Аҳоли географиясининг бошқа фанлар билан алоқаси.
6. Аҳолини территориал тақсимланиши ва жойлашуви.
7. Аҳоли пунктлари деганда нимани тушунаси?
8. Аҳоли пунктларига нималар киради?
9. Меҳнат ресурслари ҳақида тушунча беринг.
10. Аҳолини ишлаб чиқариш билан бандлиги деганда нима тушунилади?

Қуйдаги топшириқни бажаринг:

1. Аҳоли географияси курси бўйича адабиётлар билан танишиш ва дафтарга ёзиб келиш.

Адабиётлар

1. Асанов Г. Аҳоли географияси. Т., 1978.
2. Асанов Г. Социал иқтисодий география: термин ва изоҳли луғати. Т., 1990.
3. Брук С.И. Населения мира. Этнографический справочник. 2-Е.изд. перераб. и доп. М., 1986.

2-МАВЗУ: МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИ ГЕОГРАФИЯСИНИНГ ТАРКИБ ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.

РЕЖА:

1. Аҳоли географиясининг таркиб топиши.
2. Аҳолишунос олимларнинг фикрлари.

Таянч иборалар: «Одам географияси», географик детерменизм, Антропогеография, аҳоли географияси, оптимум назарияси, биометрия,

Мавзунинг мақсади: мамлакатимизда аҳоли географиясининг таркиб топиши ва ривожланиши тўғрисида тугушнча бериш.

География фани аҳоли ва унга тааллуқли бўлган маълумотларни қадимдан ўрганиб келган. Масалан, 1650 йилда Варенийнинг Нидерландияда босилиб чиққан “Умумий география” номли асаридаёқ аҳолига тегишли кўпгина масалалар география ўрганадиган муҳим муаммолар қаторига киритилган эди. Варениус географияни иккита

Муаммоли вазият: Аҳоли географиясини таркиб топиши ва ривожланишида, тадқиқ этишда олиб борилаётган тадқиқотларнинг ахамиятини очиб бериш.

1. Асосий (умумий) география ва айрим мамлакатларни ўрганадиган хусусий географиянинг иқтисодий география бўлими ўрганадиган масалалар орасида аҳолининг состави, турмуши, истеъмол қиладиган овқатлари, даромади, билим даражаси, ҳунармандчилик, савдо алоқалари, туғилгандан ўлгунча бўлган урф-одатлари, сиёсий тузуми, шаҳарлари каби кўрсаткичлар бўлган. Аммо у пайтларда ва ундан кейин ҳам узок даврлар давомида аҳоли географияси география фанининг алоҳида йўналиши сифатида ташкил топмаган эди.

Эсда сақланг!

Фақат 19-асрга келиб, даставвал Германияда ва кейинчалик Ғарбдаги бошқа давлатларда антропогеография пайдо бўла бошлади. Антропогеографиянинг асосчиси немис географи Фридрих Ратцелр.

Бу йўналиш географик детерминизмнинг вулгар-материалистик концепциясига асосланарди ва аҳоли географиясидаги барча ҳодиса ҳамда воқеаларни табиий шароитнинг таъсиридан деб тушунтиришга уринар эди.

19-Аср оири 20-аср бошларида ғарбий Европада одам географияси деб номланган йўналиши ҳам вужудга келади. Француз географлари П.Видалр де Ля Влаш (1845-1919) ва Ж.Брюн (1869-1930) бу йўналишнинг асосчилари эдилар. Бу йўналиш ҳам аҳоли географияси масалаларини тушунтиришда жамият тараққиётининг ҳақиқий қонунларига эмас, балки буржуа фалсафаси, сиёсий иқтисоди ва тарихининг концентрацияларига асосланган. Бу йўналиш намояндалари табиат билан жамият ўртасидаги, табиат билан аҳоли ўртасидаги муносабатлар ва алоқаларни илмий асосда ўрганмасдан балки алоҳида бир оламнинг табиат билан ўзаро муносабатларини ва бир бирига таъсирини ўрганиш билан шуғулланганлар. Бунинг учун ҳам улар ўз фанларининг номини аҳоли географияси эмас, балки одам географияси деб аташган. Россияда революциягача аҳоли географиясига тааллуқли йирик илмий асарлар жуда кам эди. Чунки, аҳоли географияси географиянинг махсус тармоғи сифатида хали ташкил топмаган эди. Ана шу даврда ота-бола П.П.Семёнов-Тяншанский ва В.П.Семёнов-Тяншанский ҳамда А.Н.Воейковнинг ишлари алоҳида ўрин эгаллайди. Семёнов-Тяншанский 19-аср охирида Россия аҳолиси ва аҳоли пунктларини географик анализ қилган, бир неча ишлар бажарган. У ўзининг 1971 йилда чиққан асарида аҳоли зичлиги картасини батафсил ва мазмундор аналиш қилди.

1863-1865 йилларда П.П.Семёнов-Тяншанский “Географик - статистик луғат” тузди.

Луғатда Россиянинг барча шаҳарлари, станция ва йирик қишлоқларига характеристика берди. У Россия қишлоқларига биринчи бўлиб, батафсил ижтимоий-иқтисодий характеристика берди, уларни 27 та типга ажратди. Айниқса унинг “Муревенская голость” (1880) асари алоҳида диққатга сазовордир. Бу асар аҳолини ва қишлоқ пунктларини комплекс географик экспедициялар ёрдамида ўрганиш бўйича биринчи манба бўлиб, ушбу даврда Россия ва чет мамлакатларда аҳолига бағишланган ишлар орасида ўз илмий савиясига кўра хийла юқори турар эди. П.П.Семёнов-Тяншанскийнинг бу асари билан К.Маркс кейинчалик В.И.Ленин қизиққан. К.Маркс ва В.И.Ленинни қизиқтирган нарса бу асарда ижтимоий жараёнлар территориал фарқларнинг анализ қилиниши ва 1861 йил реформасидан кейин Россия қишлоғидаги синфий табақаланиш масалаларининг ёритилиши эди. Маълумки, П.П.Семёнов-Тяншанский “Россия. Ватанимизнинг тўла географик тасвири” (1899-1914) номли кўп томли нашрнинг асосий ташкилотчиси эди. Бу асарда Россия турли қисмларининг аҳолиси ва аҳоли пунктлари характеристикасига кенг ўрин берилган. Пётр Петрович Семёнов-Тяншанскийнинг ўғли Вениамин Петрович ҳам ўз ишларида аҳолини ўрганишга катта эътибор берган. Айниқса, унинг “Европа Россияда шаҳар ва қишлоқ” (1910) номли асари муҳим фактологик маълумотларга бойлиги ва илмий анализдаги баъзи янгича ёндошишлари билан диққатга сазовордир. Кейинчалик, собиқ совет ҳокимияти даврида (1922-1925) П.П.Семёнов-Тяншанский раҳбарлигида Россия Европа қисмининг 46 варақдан иборат аҳоли зичлиги картаси тузилди. Ўша даврда бундай карта бошқа бирорта ҳам мамлакатда тузилмаган эди.

Аҳоли географияси бўйича революциядан аввал нашр этилган асарлар орасида машҳур географ Александр Иванович Воейков асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Энг муҳими шуки, А.И.Воейков ўз ишларида антропогеография таъсирига берилмади. У “Ер шари аҳолисининг табиий шароит ва кишилар фаолиятига қараб тақсимланиши” (1906) “европа Россияси ва Ғарбий сибир қишлоқларининг гавжумлиги” (1909) каби асарларида табиат ва аҳолига жонли, қизиқарли географик таъриф бериш намунасини кўрсатади.

А.И.Воейков аҳолининг территориал тақсимланишида табиий шароит эмас, балки одамларнинг ўзи хал қилувчи рол ўйнайди деган хулосага келди. Бу эса, ўша даврда ҳукмрон бўлган антропогеографик таълимотга кўра бутунлай қўшилмаслик эди. У аҳолининг шаҳарлар билан қишлоқлар ўртасида тақсимланиши, бу жараённинг ривожланишини анализ қилиб шаҳарларни ўрганишда уларнинг маъмурий-юридик томонларига эмас, балки иқтисодий кўрсаткичларига аҳамият бериш муҳимлигини қайд қилди. Бу эса ушбу давр учун муҳим прогрессия қараш эди. Чунки, шаҳарларни ўрганишда, биринчи навбатда, уларнинг иқтисодий ролини анализ қилиш зарурлиги ҳозирги замон аҳоли географиясини ҳам асосий принципиал масалаларидан биридир. Воейков аҳоли географияси масалаларини, аҳоли билан табиат ўртасидаги муносабатларни анализ қилишда ижтимоий-иқтисодий факторларга катта аҳамият бериб, ўз даври олимларидан анча юксак поғонага кўтарила олди, шунга қарамай, у хали кўп масалаларни тўғри ва чуқур тушуниб етмаган ва ўша давр рус фанига хом бўлган либерал -буржуа позицияси таъсирида эди.

Аҳоли географияси иқтисодий географиянинг алоҳида муҳим узвий қисми сифатида мамлакатимизда фақат совет даврида шаклланди ва ривожланди. Маълумки, собиқ совет ҳокимиятининг дстлабки йилларидаёқ планли социалистик хўжалик шароитида катта илмий амалий аҳамиятга эга бўлган марксистик география фани ташкил топа бошлади.

Назорат саволлари

1. Аҳоли географиясининг таркиб топиши.
2. Аҳоли географиясининг ривожланиши.
3. Антропогеография нимани ўрганади?
4. Аҳоли географиясини ўрганган олимлар.
5. П.П.Семёнов-Тяншанский ишлари.
6. Аҳоли географиясининг бошқа фанлар билан алоқаси.
7. Аҳоли географиясини ўрганишга ўзбек олимлари хиссаси.
8. Россияда аҳоли географиясини ўрганиш тарихи.
9. Мавзу бўйича хулоса чиқаринг.

Адабиётлар.

1. Асанов Г. Аҳоли географияси. Т., 1978.
2. Асанов Г. Социал иқтисодий география: термин ва изоҳли луғати. Т., 1990.
3. Брук С.И. Населения мира. Этнографический справочник. 2-Е.изд. перераб. и доп. М., 1986.

3-МАВЗУ: АҲОЛИНИНГ СОНИ ВА УНИНГ ТАҚРОР БАРПО ҚИЛИНИШИ МАСАЛАЛАРИ.

РЕЖА:

1. Аҳолини ҳисобга олиш, аҳоли рўйхатлари.
2. Туғилиш ва унга таъсир этувчи омиллар.
3. Туғилиш кўрсаткичлари ва ундаги географик фарқлар.

Таянч иборалар.

Аҳоли сонининг тадрижий ўсиши, регион, аҳоли сонининг ўсишига таъсир этувчи омиллар, ҳудудий, демография, маданият даражаси, эксперт, социал иқтисодий, табиий фактор, континентал, ареал, аҳоли сонининг ёш таркиби, жинсий таркиби,

Мавзунинг мақсади: аҳолининг сони ва тақрор барпо қилиниши, унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш.

Маълум ҳудудда яшовчи аҳоли ҳақида фикр юритиш, уни бирорта фан нуқтаи назардан анализ қилиш учун унинг сони, таркиби. Ҳудудий тақисланиши тўғрисида маълумотларга эга бўлиш керак.

Баъзи мамлакатлар, масалан, Хитойда, Мисрда, Эронда, шунингдек Рим империясида эраиздан бир неча аср олдин аҳоли ҳисобга олинган. Аммо у пайтдаги аҳоли ҳисобини ҳозирги замон аҳоли рўйхати билан таққослаб бўлмайди.

15-17-Асрларда Россияда, унинг уездлари ва шаҳарлари ҳақида “Писчевие книги” деб номланган иқтисодий статистик дафтарлар тўлдирилган бўлиб, унга аҳолига тааллуқли маълумотлар бўлар эди. 17-19-Асрларда Россияда ўтказилган давлат ревизиялари пайтида ҳам аҳоли ҳақида маълумотлар йиғилган. Россияда ҳаммаси бўлиб 10 марта ана шундай ревизия ўтказилган эди.

Мамлакатимиз ҳудудида биринчи расмий ва тўлароқ аҳоли рўйхати 19-асрнинг охирида (1897) ўтказилди.

Муаммоли вазит: Аҳоли сони ва уни табиий ўсишига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларни таҳлил этиш муҳимдир. Ўзбекистондаги демографик вазият ва ҳукумат томонидан олиб борилаётган демографик сиёсатнинг моҳиятини ўрганиш ва таҳлил этиш муҳим муаммолардан биридир.

1897 йилда Россия ҳудудида аҳоли рўйхати ўтказилган пайтда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг фақат бир қисми қамраб олинган эди. Бунда Бухоро ва Хева хонликлари аҳолиси ҳисобга олинмаган эди.

Аҳоли рўйхатлари пайтида мамлакат, унинг айрим қисмлари ҳар бир аҳоли пункти аҳолиси тўғрисида энг аниқ ва муфассал маълумотлар тўпланади.

Собиқ Иттифокда аҳоли рўйхатлари ўтказиш доимо такомиллашиб бормокда.

Кишилиқ жамиятининг бутун тарихи - аҳоли бир авлодининг иккинчи ахҳоли билан алмашинуви, унинг тинимсиз янгиланиб туришидан иборатдир.

Оламнинг туғилиши умуман биологик жараёндир, аммо социал факторларнинг таъсири жуда катта бўлади. Қадим замонларда кишилар ўртасидаги туғилиш жараёнини кўпроқ биологик ҳарактерга эга эди, деса бўлади. Табиий биологик факторлар ҳам туғилишга маълум даражада таъсир кўрсатади. Аммо туғилиш

кўрсаткичларига таъсир этувчи асосий факторлар ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий маданий факторлардир.

Мамлакат аҳолисининг ёш ва жинсий составида катта номувофиқликларнинг бўлиши у ерда аҳоли ўртасида никоҳланган кўрсаткичларнинг камроқ бўлишига олиб келади.

Демографик факторлар, яъни аҳолининг ёш ва жинсий таркиби унинг табиий ўсишига таъсир этади, албатта. Бироқ туғилишдаги мавжуд бўлган кескин ҳудудий фарқлар демографик факторлар билан белгиланади. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатлардагига нисбатан иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакатларда, ҳатто бир мамлакатнинг ичида моддий жиҳатдан яхши таъминланмаган аҳоли гуруҳларидагига нисбатан аҳоли орасида туғилиш доимо анча юқори бўлиб келган.

Дунёнинг деярли ҳар бир мамлакатада аҳоли соҳасида маълум сиёсат юргизилади, лекин бундай сиёсат доимо бир хил бўлмасдан, турли сабабларга кўра ўзгариб туриши умкин. Кейинги пайтларда аҳолининг тез ўсиши муносабати билан аҳоли ўсиши юзасидан маълум сиёсат олиб бориш халқаро конференцияларда ҳам муҳокама қилинмоқда. Бу борада 1974 йил 19-30 августда Бухарестда БМТ томонидан уюштирилган ва аҳоли муаммоларига бағишланган конференция диққатга сазовордир.

Бу конференцияда 135 мамлакат вакиллари қатнашди. Конференцияда аҳоли ўсиши ва уни мўътадиллаштириш юзасидан 21 революцион қабул қилинди. БМТ экспертлар томонидан тайёрланган режа лойиҳасида шу нарса қайд қилиндики, ҳозир дунё аҳолиси йилига 80 млн кишига кўпаймоқда, ҳар 35 йилда ер шари аҳолиси 2 марта ошиб бормоқда. Бизнинг мамлакатимизда оналик шарафланиб, давлат томонидан моддий ҳамда маънавий жиҳатдан раҳбатлантирилади. Собиқ СССР Олий Совети Президумининг 1944 йил 8 июл қарорига биноан кўп болали оналарга бериладиган ёрдамлар кўпайтирилди. “Қаҳрамон она” фахрий унвони, “Оналик шухрати” ордени, “Оналик медали” таъсис этилди. 1973 йил июлдаги ҳомиладорлик даврида ва туғиш муносабати билан ҳамда касал болаларга қараш даврида нафақалар тўлашни яхшилаш ҳақидаги ва КПСС Марказий Комитетининг ҳамда собиқ Министрлар 1974 йил 12 сентябрдаги “Болалари бўлган ва кам даромадли оилаларга моддий ёрдамни янада кўпайтириш” тўғрисида қарорлари ана шулар жумласидандир.

Айрим мамлакатларда туғиш кўрсаткичларига таъсир этувчи яна бир муҳим фактор - оилада эр-хотин томонидан болалар сонини бошқариб боришнинг кенг тарқалишидир.

Туғилишнинг олдини олиш чораларини кенг қўллаш, оилада болалар сонини бошқариб бориш дунёнинг турли мамлакатларида турличадир.

Туғилиш диаграммасига таъсир этувчи фактор ва сабабларнинг қисқача таҳлилидан шундай хулосага келиш умкинки, туғилишга таъсир этувчи фактор ва сабаблар жуда кўп бўлиб, дунё аҳолиси ёки айрим мамлакатлар аҳолисининг туғилиш даражаси ва унинг сабабларини тушунтириш ана шу факторларнинг ҳаммасини анализ қилиш зарур. Чунки, кўп ҳолларда туғилиш даражаси ана шу факторлар комплексига боғлиқ бўлади. Мамлакатимизда аҳолининг туғилиш коэффициентида айниқса Улуғ Октябрь революциясидан кейин жуда катта ўзгаришлар рўй берди.

Назорат саволлари

1. 19-Аср ўрталарида ер шари аҳолисининг ўсиш суръатлари.
2. Аҳолининг ўсиш суръатларига таъсир этувчи омиллар
3. Аҳолининг ҳудудий жойланишида тарихий, социал иқтисодий ва табиий омиллар таъири.
4. Аҳолининг ўсиш динамикаси нима?
5. Дунё аҳолисини жойлашуви ҳақида тушунча беринг.
6. Аҳолини ҳудудий жойлашишида социал- иқтисодий ва табиий омилларнинг таъсири

7. Демография сўзига қандай таъриф берилади?
8. Қайси давлатларда ўсиш суръатлари жуда ҳам паст?
9. Ўсиш суръатлари ўта юқори бўлган далаатларга мисоллар айтинг.
10. Ўзбекистон ҳудудида аҳоли кўпайиши қай даражада?

Қуйдаги топширикни бажаринг: Аҳолини табиий ўсишига тарсир кўрсатувчи омилларни дафтарингизга ёзинг.

Адабиётлар

1. Асанов Г. Аҳоли географияси. Т., 1978.
2. Асанов Г. Социал иқтисодий география: термин ва изоҳли луғати. Т., 1990.
3. Чет мамлакатлар иқтисодий географияси. В.П.Маяковский таҳрири остида. Т., 1995.

4-МАВЗУ: АҲОЛИ ЎРТАСИДА ЎЛИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР

РЕЖА:

1. Аҳолининг ўлими ҳақидаги маълумотлар.
2. Унга таъсир қилувчи асосий омиллар.

Таянч иборалар. Эпидемия, омиллар, эндоген, ирсия, экзоген, социал, демография, элементлар, анализ, демография танглик, суръат, механик ўсиш.

Мавзунинг мақсади: аҳолининг ўлим кўрсаткичлари ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш.

Аҳолининг ўлими ҳақидаги маълумотлар унинг такрор барпо қилиниши, табиий ўсиш даражасини анқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичдир. Масалан, туғилишга оид маълумотлар аҳолининг табиий ўсиши ҳақидаги ҳали тўлиқ тасаввур бера олмайди. Унинг фақат ўлимга оид маълумотлар билан солиштиргандагина, уларнинг фарқи анилангандагина мамлакат аҳолисининг табиий ўсиши ҳақидаги конкрет абсолют рақамларни билиб оламиз. Энг қадимги даврларда аҳоли ўртадаги ўлим кўрсаткичининг қандай бўлганлиги ҳақида ҳозирги замон фани аниқ маълумотларга эга эмас. Бу ҳақида олимлар археологик маълумотлар ва бизга етиб келган айрим ёзма ёдгорликлар асосида фақат фикр юритадилар.

Муаммоли вазият: Аҳоли ўртасидаги ўлим кўрсаткичлари ва унга тарсир этувчи омилларни ўрганиш муҳим вазифалардан биридир.
--

18-Асрнинг иккинчи ярмига қадар дунёнинг деярли барча қисмларида ўлим жуда кўп бўлган. Ўлимнинг сезиларли даражада камайиши 19-асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Бу даврда ўлимнинг камайиши тиббиёт фанининг ютуқлари, турли хил оғир укасалликлар эпидемиясига қарши самарали кураш чораларининг топилиши натижаси эди. Ўлимнинг камайиши дунёнинг ҳамма жойида бир вақтда ва бир хилда бошланмаган албатта. Ўлимнинг сазиларли камайиши аввало Европада бошланди. 19-Асрнинг охирлариг келиб, бу қитъада ўлат, чечак, вабо каби касалликлар эпидемияси дерли тугатилди. Ўлимнинг камайиши кеңинчалик дунёнинг бошқа қисмларига ҳам тарқала бошлади.

Қуйидаги жадвалда дунёдаги аҳолиси энг тез ўсувчи давлатлар кўрсатилган.

Мамлакатлар	аҳолиси (млн.киши, 1998)	аҳоли (млн.киши, 2050, башорат)
Ҳиндистон	982	1529
Ҳитой	1256	1478
Покистон	148	345
Индонезия	206	312
Нигерия	106	244
АҚШ	274	349
Бразилия	166	244
Бангладеш	125	212
Мексика	96	141
Филлипин	73	131

“Дунё аҳолиси ҳақида манба” БМТ нинг 1998 йил ахборотидан олинган.

Юқоридаги ждвал манбаларида олинган маълумотлар кўрсатилишича 2050 йилда дунё мамлакатларидаги энг кўп мамлакат Ҳитой ўрнини Ҳиндистон эгаллаши (1529 млн) кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги даврда энг аҳолиси кўп давлатлар (1996). (Млн. киши)

1. Ҳитой - 1205
2. Ҳиндистон - 913
3. АҚШ - 260
4. Индонезия - 189
5. Бразилия - 159
6. Россия - 148
7. Покистон - 126
8. Япония - 124
9. Бангладеш - 122
10. Нигерия - 119.

Юқоридаги икки жадвал таҳлили шуни крсатадики, дунёнинг энг кўп аҳоли ўнлик мамлакатлари ичида яқин келажакда Япония ҳамда Россия давлатлари тушиш, улар ўрнини Мексика ва Филлипин давлатлари кўзда тугилади.

Кишилик жамиятининг бутун тарихи - аҳоли бир авлоднинг иккинчи авлод билан алмашинуви, унинг тинимсиз янгиланиб туришидан иборат бу жараён ҳар йили содир бўладиган туғилиш ва ўлим кўрсаткичларидаги фарқда яққол намоён бўлади. Ҳар ёили қандайдир сабабларга кўра вфот этган аҳоли ўрнининг янгидан, дунёга келган авлод ҳисобига тўлдирилиб бориши аҳолининг такрор барпо қилиниши дейилади. Туғилганлар сони ўлганлар сонидан ортиқ бўлдандагина аҳоли ҳсони ошиб, кўпайиб, боради. Бу эса, жамият тараққиёти учун муҳимдир.

Биз юқорида аҳоли барча ишлаб чиқариш жараёнининг субъекти деган эдик. Ишлаб чиқаришнинг нормал давом этиши, унинг кенгайиб бориши учун аҳоли сонининг ўсиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли барча ижтимоий бойликларнинг бунёдкоридир. Шунинг учун ҳа аҳолининг айниқса унинг меҳнатга яроқли бўлган қисмининг сони уларнинг били ва малакаси ҳар бир мамлакат ёки районда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Қадимги дунё ва урта асрларда яшаган олимлар ҳам аҳолининг сони унинг ўсиб бориши давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий ҳолатига ижобий таъсир этишини қайд қилганлар.

Маълумки, жамият тараққиётини белгилаб берувчи асосий куч бу моддий нематларни ишлаб чиқариш усулидир. Жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи эса

одамлар, аҳолидир. Шунинг учун ҳам аҳоли, унинг тинмай ўсиб борадиган талаблари доим кузатиб борилади ва ўрганилади.

Шундай қилиб аҳолининг такрор барпо қилиниш жараёнинг негизини туғилиш ва ўлим ҳамда улар ўртасидаги фарқ ташкил қилади. Аммо айрим ҳудудлар аҳолисининг ўсишида табиий ўсишдан ташқари меаник ўсиш яъни аҳолининг ҳудудий тақсимланиши ҳам катта рол ўйнайди.

Назорат саволлари

1. Аҳолини ҳисобга олиш ва аҳоли рўйхатлари
 2. Аҳолини такрор барпо қилиш масалалари
 3. Туғилиш ва унга таъсир этувчи омиллар.
 4. Аҳоли ўртасида ўлим кўрсаткичлари ҳақида тушунча.
 5. Ўлим кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар.
 6. Ўртача умр кўриш деанда нимани тушунасиз?
 7. Аҳолининг табиий ўсиши нима?
 8. Аҳолининг табиий ўсиши нималарга боғлиқ бўлади?
 9. Қайси давлатларда ўсиш юқори кўрсаткичга эга?
 10. Аҳолиси энг кзп давлатларга мисоллар келтиринг.
- Қуйдаги топшириқни бажаринг: Ривожланган мамлакатларда аҳоли ўртасидаги ўлим кўрсаткичларини таҳлил қилиб дафтарингизга ёзинг.

Адабиётлар

1. Асанов Г. Аҳоли географияси. Т., 1978.
2. Брук С.И. Населения мира. Этнографический справочник. 2-Е.изд. перераб. и доп. М., 986.
3. Борисов М. Населения мира. демографический справочник. М., 1989.

5-МАВЗУ: УРУШЛАР ВА АҲОЛИ ЎСИШИ.

РЕЖА:

1. Урушларнинг аҳоли сонига таъсири.
2. Аҳолининг табиий ўсиши.

Таянч иборалар

Динамика, ўсиш суръатлари, регион, омиллар, фактор, территориал, ҳудудий, демография, олимлар, маданият даражаси, эксперт, социал иқтисодий, табиий фактор, континентал, ареал.

Мавзунинг мақсади: аҳоли сони ва уни табиий ўсишига урушларнинг таъсирини ўргани. Аҳолини табиий ўсишини дунё регионлари бўйича таҳлил этиш.

Муаммоли вазият ^Урушлар жуда катта демографик оқибатларга олиб келади. Урушлар тарсирида аҳоли сони, миллий-этник таркбини салбий томонга ўзгариши. Буни оқибатида аҳолини табиий ўсиш даражасини пасайиб бориши кузатилади.

Урушларнинг демографик оқибатлари жумласига жангчилар ва фуқаро аҳолининг бевосита урушдан ҳалок бўлишидан ташқари, унинг бевосита оқибатларини ҳам киритиш зарур. Чунончи, уруш йилларида туғилишнинг кескин камайиб кетиши аҳоли соғлигининг ёмонлашуви натижасида уруш тугагандан кейин ҳам бир неча йиллар давомида ўлимнинг юқори бўлиши, аҳоли ёши в жинсий сотавининг бузилиши ва бошқалар шундай оқибатлардандир.

Урушларнинг бевосита ва билвосита демографик таъсирини иккинчи жаҳон урушида иштирок хэтган Германия, Франция, Япония, Полршага тааллуқли қуйидаги маълумотлардан аниқ кўриш мумкин.

Юқорида аҳолининг такрор барпо қилиниши жараёнини асосий билан танишиб чикдик.

Аҳолининг табиий ўсиши маълум бир муддатда туғилганлар сонидан ўлганлар сонини олиб ташланган қолдиқ билан белгиланади. Аҳолининг табиий ўсиши кўрсаткичларини ҳар 1000 кишига нисбатан ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда Ер шари аҳолисига ҳар йили 80-85 млн киши қўшилмоқда ёки йилига 2 % ўсмоқда. Дунё аҳолисининг бундай тез ўсиши ҳеч қачон кузатилмаган эмас. Ҳозирги пайтда дунё аҳолиси йиллик табиий ўсишининг 80 % ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади.

Ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг тез табиий кўпайиши ва бунинг ҳисобига бутун ер шари аҳолиси ўсиш суръатларининг тезлашганлиги айрим олимлар учун бу жараённи “Демографик портлаш” деб аташга асос бўлмоқда. Бу жараён натижасида кўпгина ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг табиий ўсиши билан у мамлакатлар иқтисодиётининг эришилган тараққиёт даражаси ўртасида номувофиқликлар вужудга келаётганлиги ҳам сир эмас. Туғилишнинг ҳам ўлимнинг ҳам камлиги бу мамлакатларда аҳоли табиий ўсишининг камлигини белгилайди. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг жуда тез ўсаётганлиги муҳим иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келмоқдаю ва дунё демографлари томонидан қизиқиб ўрганилмоқда. Шундай қилиб ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг ҳозирги табиий ўсиши характери жуда кўп туғилишга нисбатан ҳам ўлиш ва юқори табиий ўсиш билан белгиланади. Аҳолининг такрор барпо қилиниш жараёнининг кўпгина хусусиятларига кўра бу мамлакатларнинг яна бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Мамлакатимиз аҳолисига кейинги йилларда табиий ўсиш ҳисобига ҳар йили 2,6-2,7 млн киши қўшилмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг табиий ўсиши асосан маҳаллий миллатлар орасида юқори. Аҳолининг йиллик ўсиш суръати эса 2 % га тенг бўлмоқда.

Осиё аҳолисининг сони эса, доимий равишда ўсиб бормоқда. Аммо айрим даврларда унинг дунё аҳолисидаги салмоғи анча пасайиб кетганлигини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, дунё аҳолисининг ўсиш динамикаси кўплаб ва хилма хил факторлар таъсирида бўлади.

Дунё аҳолисининг ўсиши ва бу ўсишнинг суръатлари юқорида айтилганидек давом этса, 21-аср ўрталарга боранда, дунё аҳолиси 9 млрд кишига, 21-аср охирларида эса 11-12 млрд кишига етади.

Умуман дунё аҳолисининг ўсиш суръатлари келажакда пасайиб боради. Бе тенденция ҳозироқ сезила бошлади, маълум бир даврга келиб эса, планетамиз аҳолисининг сони стабиллашади.

Аҳолининг ёши ва жинсий таркибини ўрганиш муҳим илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга. Бутун мамлакат ва унинг айрим районлари аҳолисининг ёши ва жинсий

таркибини аниқ билиш меҳнат ресурсларининг сонини ҳисоблаб чиқишга, унинг ҳозирги сонинигина эмас, балки келажакда қандай ўсишни ҳам аниқ билиб олишга, шунингдек мактабгача тарбия муассасаларига, мактабнинг биринчи синфига борадиган болалар сонини билиш, шунга кўра тегишли планлаштириш ишларини олдиндан олиб боришга имкон беради.

Аҳолининг жинсий таркибига келганда шуни айтиш керакки, умуман ер шари бўйича янги туғилган чакалоқлар орасида ўғил болаларнинг сони қиз болаларга нисбатан бир оз кўпроқ бўлади. Юқорида қайд этиб ўтиганидек, янги туғилган чакалоқлар орасида ўғил болаларнинг қиз болаларга нисбатан бир оз кўпроқлиги 15-20 ёшларгача сақланади.

Аҳолининг ёш таркибига унинг табиий кўпайиши, миграция ва урушлар катта таъсир қилади. Аҳолисининг ёш гуруҳлари нисбатан қараб, дунё мамлакатларини иккита асосий типга бўлиш мумкин.

Аҳолининг ёши ва жинсий таркибига урушларнинг бевосита ва билвосита таъсирини аҳолининг ёши ва жинсий таркиби бўйича берилган пирамидада яққол кўриш мумкин.

Аҳолининг ёш таркибида ҳам мамлакатимизда айрим территориал фарқлар бор. Аҳолининг инсий таркибида Республикамиз ҳудудида хотин-қизлар сони эркакларга нисбатан кам бўлган. Масалан, 1926 йилги рўйхат маълумоти бўйича Ўзбекистонда хотин-қизлар салмоғи 47, %, 1939 йилда 48,4 % эди. Улуғ Ватан уруши Ўзбекистон аҳолисининг жинсий таркибига ҳам путур етказди. Урушдан кейин ўтқзилган дастлабки рўйхат яқунлари бўйича, бу ерда биринчи бор хотин-қизлар сони ва салмоғи эркаклардан ошиб кетди (52 %).

Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркиби ҳам мамлакатимиз ўртача кўрсаткичидан фарқ қилади. Чунки, турли ёшдаги аҳолининг сони ва салмоғи ўша территорияда аҳолининг такрор барпо қилиниши режимини характериға кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ўзбекистонда узоқ умр кўрувчилар ҳам кўпайиб бормоқд. Масалан, 1959-1970 йиллар орасида Республиканинг барча аҳолиси 45 % кўпайгани ҳолда 80-90 ёшдаги қариялар сони 63 %, 90-99 ёшдаилар сони 45 % кўпайди ва ҳ.к. 1970 йилда Ўзбекистонда 80-100 ва ундан ҳам катта ёшдагилар аҳоли сони анча юқори бўлади.

Назорат саволлари

1. Урушларнинг аҳоли кўпайишига таъсири?
2. Аҳолининг ўсиш суръатларига таъсир этувчи бошқа омиллар?
3. Эркак-хотин нисбати нима?
4. Аҳолининг ўсиш динамикаси нима?
5. Миграция нима?
6. Ўзбекистон аҳолисининг ўсишига 2-жаҳон урушининг таъсири.
7. Демографик портлаш нима?
8. Қайси давлатларда ўсиш суръатлари жуда ҳам паст?
9. Ўсиш суръатлари ўта юқори бўлган далаатларга мисоллар айтинг.
10. Ўзбекистон ҳудудида аҳоли кўпайиши қай даражада?

Қуйдаги топшириқни бажаринг: 1-2 жаҳон уришлари ва уларни оқибатларини дафтарингизги ёзинг.

Адабиётлар

1. В.П.Максаковский. Жаҳоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси. Т., 1996.
2. М.Асанов. Аҳоли географияси. Т., 1979.
3. М.Асанов. Дунё аҳолиси. Фан. Т., 1968.
4. Валентей Э. И. и др. Основы демографии. М., 1989.

РЕЖА:

1. Дунё аҳолисининг ирқий таркиби.
2. Манголоид ирқи.
3. Европоид ирқи.
4. Экваториал ирқи.

Этник жараён, этнография, жараёнлар, демография, классификация, ирқлар, аралаш ирқ, антрополог, лицентризм, моноцентризм, физиология, қитъа, коряк.

Мавзунинг мақсади: аҳолининг этник ва социал таркиби ҳақида тушунча бериш.

Одамлар қадимдан жамоа бўлиб, қон-қариндош бўлиб яшаб келганлар. Ана шундай бирикмаларнинг энг муҳимлари уларнинг ирқий ва этник бирикмаларидир. Ирқ бу одамларнинг келиб чиқиши гавда тузилиши ва қиёфаси ўхшаш бўлган тарихан таркиб топган ҳудудий бирлигидир.

Ирқларнинг пайдо бўлиши ва одамлар ўртасидаги ирқий белгилар ҳамда хусусиятларини келиб чиқиши ҳақида ҳар хил фикрлар бўлиб кенг тарқалганлари иккитадир. Антропологларнинг бир қисми ирқлар жуда қадим Африка, Европа ва Осиёнинг бир неча марказларида вужудга кела бошлаган деб ҳисоблайдилар. Бу лицентризм назариясидир.

Муаммоли вазият: Ҳозирги кунда миллий ва этник зиддиятлар тарсирида дунё регионларидаги вазиятларни ўрганиш таҳлил этиш муҳим вазифалардан биридир.

Иккинчи гуруҳ олимлари ҳозирги замон кишиси бир марказда вужудга келган кейинчалик одамлар дунёнинг турли қисмларига тарқалиб кетган. Натижада табиий шароити бир-биридан кескин фарқ қилувчи табиий шароитга тушиб қолиши натижасида ҳозирги ирқий белгилар вужудга келиб ривожланиб борган деган ғояни илгари сурадилар.

Ирқлар халқларнинг асосан ташқи кўринишига ва ундаги фарқларга ҳамда баъзи физиологик белгиларга қараб ажратилади. Киши терисини кўз ва сочининг ранги, юз тузилиши, бош суягининг шакли, бурун ва лаборатория тузилиши кўзларининг қисқ кенг бўлиши эркаларнинг юзи ва танасида унинг узун қисқалиги ҳамда кейинги пайтларда эътибор берилаётган ички белги ва хусусиятлар тиш тузилиши ва бошқалар киради. Ер шарида учта катта ирқ: европоид, монголоид ва экваториал ҳамда кўплаб аралаширқий формалар ажратилади. Турли ирқлар ўртасидаги фарқлар қанчалик аниқ бўлмасин ирқдан қатъий наар ҳозирги замон кишилари ўртасидаги морфологик, физиологик ва психологик ўхшашликлар мавжуд фарқлардан бир неча марта кўп ва чуқурроқдир, тарихий фарқлар ва тажрибалар шуни кўрсатдики, яшаётган социал-иқтисодий шароит, тарбия ва бошқа шароитлар бир хил бўлганда ҳар хил ирққа мансуб кишиларнинг ақлий қобилияти бир-биридан фарқ қилмайди.

Учта ирқ дунёнинг барча аҳолисини қамраб ололмайди. Асосий катта ирқларга яқин ҳудудларда ҳар турли ирқий белгиларга эга бўлган халқлар қадимдан яшаб келишган. Кейинги даврларда ирқлараро никоҳнинг кўпайиши натижасида турли ирқлар ўртасидаги аралаш ирқлар ҳам кўпайиб бормоқда.

Европоид ирқи дунё аҳолисининг 46,8 % ни ўз ичига олади. Асосий ирқий белгилари: тана териси оқ ёки қорачароқ бўлади. Сочлари тўлқинсимон ёки тўғри, баъзан ўртача бўлади. Бурунлари кичик, тор, лаблари юпқа ва ҳ.к. бу катта ирқ икки гуруҳга - шимолий ва жанубий гуруҳларга бўлинади.

Монголоид ирқи дунё аҳолисининг тахминан 35,9 % ни ташкил этади. Асосий ирқий белгилари: танаси оч сариқ ёки оч қўнгир рангли, сочлари тўғри ва қатик, эркаларининг кўзлари қисик ва суяги чиққанроқ бўлади. Монголоид ирқи ҳам икки гуруҳга бўлинади. Осиё ва Америка гуруҳлари.

Экваториал ирқи дунё аҳолисининг 5,8 % ни ўз ичига олади. Асосий ирқий белгилари: териси қора, сочлари қора, жингалак, бурни кенг, лаблари қалин. Экваториал ирқи ҳам икки тармоққа ажралади: Африка ва Океания тармоқлари.

Аралаш ирқий формалари. Қадимги аралаш ирқий форма ёки типларига эфиоп типи киради. Уларнинг кўп белгилари арабларга ўхшайди. Аммо улар негроидлар сингари қора танли. Шунингдек, ғарбий Африка ҳудудида яшовчи фулбе халқлари ҳам аралаш типларни ташкил қилади. Уларнинг ғарбий Суданнинг оралиқ формалари деб аташади. Ҳиндистоннинг жанубида европоид ва экваториал ирқларнинг океания авлоди ўртасидаги оралиқ ирқий белгиларга эга бўлган халқлар яшайди. Жанубий шарқий Осиёда монголоид ирқининг Осиё алоди билан экваториал ирқнинг Океания авлоди ўртасидаги аралаш тип вакиллари яшайди. Шарқий монголоидларга нисбатан уларнинг ранги қорамтир, лаби қалинроқ, бўйи пастрок бўлади.

Аралаш ирқий формаларнинг иккинчи катта гуруҳи ўрта асрлар ва янги аср аралаш формаларидир. Бундай аралаш формалар тарқалган ҳудудлардан бири Ўрта Осиё республикаларидир. Бу ердаги қадимги тупроқшунослик европоид аҳоли халқларининг буюк кўчиш даврида Марказий Осиёдан келган монголоид ирқи билан аралашиб кетган. Ана шу аралашуши натижасида аралаш ирқий формалари икки гуруҳга бўлинган.

Биринчи тип турон типи ёки жанубий Сибир типи - бу типга асосан монголоид ирқи белгилари кўпроқ бўлган қozoқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар киради. Иккинчи тип Ўрта Осиё типи. Буларда европоид ирқининг жанубий авлодига хос белгилар сақланган. Ўрта асрлар ва янги давр ирқий формалари бошқа қитъаларда ҳам учрайди.

Умуман дунёдаги учта асосий катта ирқ орасида жуда кўплаб бошқа аралаш форма ва типлар вужудга келган, яна бу жараён давом этиб келмоқда. Бу эса барча ирқларнинг биологик жиҳатдан бир эканлигини исботлайди. Ва бу яна реакцион ирқий назарияларнинг асоссизлигини кўрсатадиган далилдир.

Назорат саволлари

1. Халқларнинг келиб чиқиши ва ҳозирги замон этник жараёнлари.
2. Дунё аҳолисининг таркиби ва ҳудудий жойлашуви
3. Халқларнинг классификацияси ва тил гуруҳлари.
4. Дунё аҳолисининг ирқий таркиби.
5. Дунё регионларида миллатлараро муносабатлар.
6. Ривожланаётган мамлакатларда этник ва миллий муносабатлар
7. Ирқий бирикмалар нима?
8. Ирқларни келиб чиқиши ва тарқалиши қайси даврлар билан боғлиқ?
9. Асосий катта ирқларга таъриф ва тавсиф беринг.
10. Дунё аҳолиси ҳақида гапиринг.

Қуйдаги топшириқни бажаринг: Халқлар классификацияси ва тил гуруҳларини тарқалиш ини дафтарингизга ёзинг.

Адабиётлар

1. Асанов Г. Аҳоли географияси. Т., 1978.
2. Асанов Г. Социал иқтисодий география: термин ва изоҳли луғати. Т., 1990.
3. Чет мамлакатлар иқтисодий географияси. В.П.Маяковский таҳрири остида. Т., 1995.

7-МАВЗУ: КИШИЛАРНИНГ ЭТНИК УМУМИЙЛИКЛАРИ, УРУҒ, ҚАБИЛА, ЭЛАТ ВА МИЛЛАТ ҲАҚИДА ТУШУНЧАЛАР

РЕЖА:

1. Кишиларнинг этник умумийликлари.
2. Кишиларнинг энг қадимий этник бирлигини уруғ категориясидир.
3. Қабила, элат, миллат.

Таянч иборалар

Этник, бирлик, миллат, уруғ, авлод, қабила, элат, этнография.

Мавзунинг мақсади: Уруғ қабила ва элат тушунчаларини ўрганиш ва таҳлил этиш.

Кишиларнинг қадим замонларда вужудга келган умумийликлари этник бирликлардир. Этник бирликларининг ибтидоий жамоа тузумидан то ҳозирги давргача учрайдиган катеогриялари асосан, уруғ, қабила, элат, миллатлардан иборатдир.

Кишиларнинг энг қадимий этник бирлиги - уруғ категориясидир. Бу категория асосан ибтидоий жамоа тузумида вужудга келиб ана шу формациянинг асосий ижтимоий-иқтисодий ячейкаси бўлган ва у одамларнинг қон қариндошлигига асосланган эди. Уруғчиликни асосий белгилари. 1) уруғ аъзоларининг бир-бири билан қон-қардошлиги. 2) уруғ аъзолари хўжаликфаолиятининг бирлиги. 3) ижтимоий ҳаётнинг, турмушнинг ва энди вужудга келаётган маданиятнинг бирлиги.

Муаммоли вазият: кишиларнинг этнинг умумийликларини ўрганиш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Одамлар этник бирлигининг иккинчи юқорироқ босқичи қабиладир. Уруғларнинг қабилаларга бирлашуви ҳам кишиларнинг ибтидоий жамоа тузумига хос умумийлигидир. Ривожланаётган қабилаларнинг одатда, ўз тили ёки шеvasи ва алоҳида территорияси бўлган, маҳсус кенгаш томонидан бошқарилаган.

Уруғ ва қабила категорияларидан кейин элат категорияси вужудга келган. Элат - уруғ ва қабила бирликларига нисбатан юқорида босқичдир. Элат бирлиги асосан феодализм жамияти даврида, баъзан эса кулдорлик давридаёқ ташкил топа бошлаган.

Элат кишиларнинг миллатдан олдинги тарихий бирлигидир. Элатларнинг ўз номлари, тили, умумий маданият ва психик хусусиятлари таркиб топа боради. Элатлар территориал умумийликка эга бўлиб, маълум даражада иқтисодий алоқалар қила бошлайди.

Миллат маълум ҳудудда яшовчи одамларнинг социал-этник бирлиги бўлиб, феодализм капитализмга ўтиш даврида ташкил топа бошлайди ва кишилар умумийлигининг капитализмга хос формасидир. Юқорида кўриб ўтилган этник бирлик категорияларидан миллат шу билан фарқланадики, миллатларда территориал бирлик, иқтисодий ва маданий алоқалар мустақкам ўрин олади, ягона миллий тил ташкил топади, миллий онг ривожланган бўлади.

Аммо капитализм шароитида барча халқлар ҳам алоҳида миллат сифатида ташкил топади деб бўлмайди. Халқлар ўртасида тенгикнинг йўқлиги, кўп сонли ва кучли халқларнинг эксплуататор синфлар томонидан майда халқларнинг шафқатсиз эксплуатация қилиниши, маданият ва иқтисодиётининг ривожланиши йўлида сунъий ғовларнинг вужудга келтирилиши уларнинг миллат сифатида ташкил топиши ва ривожланишига тўсқинлик қилади.

Миллатлар ривожланишидаги бу икки тенденция ўртасидаги зиддият антагонистик формага киради. Ривожланган капиталистик мамлакатларнинг буржуазияси бошқаларнинг территориясини босиб олади, бошқа халқларни асоратга олиб боради. Шу нарсани қайд қилиш кераки, кишилар этник умумийлигининг миллий босқичи, асосан, капитализмга хос бўлган ҳолда, жуда кўп халқлар социалистик революция ғалабаси натижасида капиталистик тараққиёт босқичини ўтмасдан ҳам социалистик миллат бўлиб жипслаишлари мумкин. Миллатларнинг асосий белги ва хусусиятларининг бу таърифи капиталистик давлатларга ҳам, социалистик миллатларга ҳам хосдир. Чунки, миллатлар социалистик ишлаб чиқариш усулига асослангандилар ва уларнинг манфаатлари, ягона маънавий қиёфасининг белгилари умумийдир. Миллатларнинг янада ривожланиши уларнинг ихтиёрий равишда ва тенг ҳуқуқлик асосида ҳамкорлик қилиши ва бир-бирига ёрдам бериши туфайли амалга ошириладигани, улар коммунистик жамиятга, келажакда миллатларнинг қўшилиб кетишини тайёрлаб боради.

Социализм даврида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётини миллийлаштириш тенденцияси кучайиб боради. Социализм халқларини жипслаштиради, уларни бир-бирига яқинлаштиради, ҳамкорлик қиладиган халқларда тобора кўпроқ муштарак аломатларини юзага келтиради, миллий аломатларга нисбатан кенгрок бўлган янги алоқаларга эҳтиёж пайдо қилади.

Коммунизмнинг бутун дунёмиқёсида ғалаба қилиши миллатларнинг бир-бири билан қўшилиб кетиши учун барча зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларини яратиб беради. Бутун планета миқёсида ягона план асосида ривожланувчи ягона коммунистик ҳўжалик аста-секин ташкил топиб, кишиларнинг илгари мисли кўрилмаган иқтисодий бирлигини таъминлайди. Барча кишиларда муштарак тил, алоқанинг ягона воситаси юзага келади, инсоният ягона коллективи, ягона қардошларча бирликни, антагонизмлардан холи бўлган бирлини ташкил этади.

Аҳоли географиясида этник жараёнлар, турли халқларнинг маданияти, территориал жойланиши, бир-бири билан ўзаро аралашуви, меҳнат халқлари каби масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Этнография дунё аҳолисининг состави ва унинг бутун планета бўйича ҳамда унинг айрим районларида жойлашувини этник аспектда ўрганади. Этнография мамлакатлар ва раонлар аҳолисининг этник таркиби халқларнинг ҳудудий

муносабатларини, турли этник гуруҳларининг илгариги даврларда ва ҳозирги территориал яшаш формаларини ўрганади.

Этнография дунё аҳолисининг состави ва унинг бутун планета бўйича ҳамда унинг айрим районларида жойлашувини этник аспектда ўрганади. Турли халқлар ва миллатларнинг меҳнат масалакасини ўрганиш, ундан фойдаланиш эса ишлаб чиқариш учун муҳим аҳамиятга эга. Этнография айрим халқларнинг этногенези ва ҳозирги замон этник жараёнларини ҳам ўрганади ва кузатади. Турли ирқ ва миллатга мансуб бўлган халқлар вужудга келганлигини кўриб ўтдик. Аҳолининг этник составини ҳар томонлама географик ўрганиш жуда кўп демографик жараёнларни тўғри тушунишга ёрдам беради. Мисол учун аҳолининг такрор барпо қилинишини олайлик.

Аҳолининг миллий таркиби ва этник жараёнларини географик ўрганишнинг аҳамияти фақат бу билан чекланмайди, албатта. Иқтисодий географиянинг асосий предмети бўлган ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жойлашуви, унинг турли мамлакатларда ва районларда ривожланиш хусусиятлари фақат иқтисодий шароитларгагина эмас, балки табиий - географик ҳамда ижтимоий сиёсий шароитларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бунинг учун ҳам аҳоли миллий таркиби, миллий муносабатларининг ишлаб чиқаришга таъсири иқтисодий географияда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳудуд билан хўжаликнинг ажралмас бирлиги, миллатларнинг ҳудудий ва хўжалик умумийлиги ҳар бир миллатга хос иқтисодий умумиликнинг асосларини географик анализ қилишни айниқса муҳим ва зарур қилиб қўяди.

Аҳоли географияси ва этнография масалалари мактабда ўлкашунослик ишларини ташкил этишда ҳам қўл келади. Мактаб жойлашган ердаги аҳолининг тарихи, табиий ўсишида миллатлар ўртасидаги фарқлар, миллий состави, миграцияси ва ҳ.к.ларни ўқувчиларга ўз кучи билан ўрганиш мумкин.

Назорат саволлари

1. Халқларнинг келиб чиқиши ва ҳозирги замон этник жараёнлари.
2. Дунё аҳолисининг таркиби ва ҳудудий жойлашуви
3. Халқларнинг классификацияси ва тил гуруҳлари.
4. Дунё аҳолисининг ирқий таркиби.
5. Дунё регионларида миллатлараро муносабатлар.
6. Ривожланаётган мамлакатларда этник ва миллий муносабатлар
7. Ирқий бирикмалар нима?
8. Миллат, элат, уруғ.
9. Аҳоли географиясини мактабларда ўрганилиши хусусида гапиринг.
10. Дунё аҳолиси ҳақида гапиринг.

Адабиётлар

1. Асанов Г. Аҳоли географияси. Т., 1978.
2. Асанов Г. Социал иқтисодий география: термин ва изоҳли луғати. Т., 1990.
3. Чет мамлакатлар иқтисодий географияси. В.П.Маяковский таҳрири остида. Т., 1995.

8-МАВЗУ: ХАЛҚЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ.

РЕЖА:

1. Дунё аҳолисининг этник бирлиги.
2. Лингвистик классификациялаш.
3. Ҳинд-Европа оиласи.

Таянч иборалар

Этник жараён, этнографик жараёнлар, демография, классификация, лингвистик классификация, ирк, антрополог, лицентризм, моноцентризм, физиология, қитъа, коряк.

Мавзунинг мақсади: Дунё халқлари классификациясини ўрганиш.

Дунё аҳолиси жуда кўп этник бирикмалардан таркиб топган. Кўпгина майда қабилалар ва этнографик гуруҳларни ҳисобга олганда ҳам планетамизда 2 мингдан ортиқ турли халқлар яшайди. Уларни маълум хусусиятларига қараб классификациялаш мумкин.

1. Халқларнинг сонига қараб
 2. Лингвистик классификациялаш
 3. Географик тарқалишига кўра классификациялаш халқларни сонига кўра қуйидагича классификация қилиш мумкин.
1. Аҳолиси 100 млн кишидан кўп бўлган халқлар: хитойлар, инглизлар, руслар, японлар, бразилияликлар, бенгаллар, индуслар.
 2. Аҳолиси бир млн дан кўп бўлган 257 халқ
 3. Аҳолиси минг кишидан кўп бўлган 531 халқ.

МУАММОЛИ ВАЗИЯТ: Дунё аҳолиси жуда кўп этник бирикмалардан

таркиб топган. Кўпгина майда қабилалар ва этнографик гуруҳларни ҳисобга олганда ҳам планетамизда 2 мингдан ортиқ турли халқлар яшайди. Шунинг учун халқларни классификацияланиши муҳим аҳамиятга эга.

Лингвистик классификациялаш ҳақларни тилига қараб гуруҳларга ажратиш бир-бирига яқин бўлган қардош тиллар оилаларга бирлаштирилади, улар эса ўз навбатида гуруҳларга ажратилади. Лингвистик классификация билан тиллар классификацияси бошқа-бошқа нарсалар. Дунё халқлари лингвистик классификацияси қуйидагича.

1. Ҳинд-Европа оиласи - Европанинг катта қисми, шимолий ва жанубий Америка, шим. Ҳиндистон, Эрон халқлари.
2. Кавказ оиласи - асосан Закавказье халқлари
3. Урал оиласи - Европанинг баъзи мамлакатлари, МДҲни Европа қисми ва Сибирнинг айрим районлари.
4. Олтон оиласи (турк, монгол ва тунгус) гуруҳлари билан
5. Ҳитой - тибет оиласи Шарқий ва Жанубий Шарқий Осиё халқлари
6. Малайя-Полинезия оиласи - Тинч ва Ҳинд океани ороллари халқлари
7. Дравид оиласи - жанубий Ҳиндистон халқлари
8. Мон-кхмер оиласи - ҳиндхитой оиласи
- семит - хамит оиласи жанубий ғарбий Осиё, шимолий Африка халқлари.
10. Банту оиласи - жанубий Африка туб халқлари

Худудий географик принципга кўра маълум областларда тарихий этнографик ҳудудлар ажратилади. Бу ҳудуд ҳам табиий областларга ҳам тарихий областларга деярли мос тушади. Дунё бўйича олганда бу принцип бўйича қуйидаги регионларни ажратиш мумкин.

1. Шимолий Америка. 2. Ғарбий Европа. 3. Жанубий шарқий Осиё. 4. Россия. 5. Африка. 6. Австралия ва Океания. 7. Марказий ва Лотин Америкаси.

Собиқ Иттифокда яшовчи халқларни қуйидаги 4 та гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Европа қисми
2. Кавказ қисми
3. Ўрта Осиё ва Қозғистон
4. Сибир ва Узоқ Шарқ халқлари.

Халқлар классификацияси турлари орасида энг муҳими кенг тарқалгани Лингвистик классификациясидир. Бу классификацияга биноан дунё халқлари картасига назар ташласак, аҳолиси энг кўп ва зич жойлашган ҳудуд - Осиё материгининг шарқи ва жанубий шарқида эканини кўрамиз. Бу дунё аҳолисининг 1/5 қисмини ташкил этади.

Назорат саволлари

1. Халқларнинг келиб чиқиши ва ҳозирги замон этник жараёнлари.
2. Дунё аҳолисининг таркиби ва худудий жойлашуви
3. Халқларнинг классификацияси ва тил гуруҳлари.
4. Дунё аҳолисининг ирқий таркиби.
5. Дунё регионларида миллатлараро муносабатлар.
6. Ривожланаётган мамлакатларда этник ва миллий муносабатлар
7. Ирқий бирикмалар нима?
8. Ирқларни келиб чиқиши ва тарқалиши қайси даврлар билан боғлиқ?
9. Асосий катта ирқларга таъриф ва тавсиф беринг.
10. Дунё аҳолиси ҳақида гапиринг.

Адабиётлар

1. Асанов Г. Аҳоли географияси. Т., 1978.
2. Асанов Г. Социал иқтисодий география: термин ва изоҳли луғати. Т., 1990.
3. Чет мамлакатлар иқтисодий географияси. В.П.Маяковский таҳрири остида. Т., 1995.
- 4.Гладкий Ю.Н. Лавров С.И. Экономическая и социальная география мира. М., 1991.Москва.

9-МАВЗУ: ДУНЁ АҲОЛИСИНИНГ ДИНИЙ ТАРКИБИ.

РЕЖА:

1. Динларни келиб чиқиши ва уларни моҳияти.
2. жаҳон динлари ва уларни масаблари.

3. Дунё аҳолисининг миллий таркиби.

Таянч иборалар:

Дин, эътиқод, тропик, ижтимоий, ибтидоий, тотамизм, магия, фетишизм, анимизм, иудаизм, мазҳаб, православ, католик, хурофот, протестант.

Мавзунинг мақсади: дунё аҳолисининг диний таркиби, дунёвий динлар ва уларнинг тарқалиш географиясини ўрганиш.

Сайёрамиз аҳолиси жуда кўп турли - туман динларга эътиқод қиладилар. Хозирги пайитда африканинг тропик ўрмонларида, Аазонка хавзасида яшовчи баъзи халқларда аллоқачон тугалиб кетган ибтидоий дин формалари 3 хамон сақланиб қолган. Шунингдек, баъзи халқар эътиқод қиладиган маҳаллий ва миллий аҳамиятга эга бўлган динлар ҳам мавжуд.

МУАММОЛИ ВАЗИЯТ: динларни келиб чиқиши ва тарқалишини ўрганиш муҳим вазифалардан бири хисобланади. Айниқса ХхI асрга келиб сиёсий муносабатлар диний тус олмоқда.

Ер шари аҳолисининг кўпчилик қисми асосан қуйидаги динларга эътиқод қилади: христиан, Ислом, будда. Одатда бу динлар “дунё ёнлари” деб аталади. Жаҳон динларидан энг кенг тарқалгани христиан дини бўлиб, унга асосан Европа, Америка ва Австралияда яшовчи тахминан 1 млрд киши эътиқод қилади. Эътиқод қилувчилар сонига кўра Ислом дини иккинчи ўринда туради. Асосан Африка ва Осиёда жойлашган деярли 30 га яқин мамлакатда Ислом давлат дини деб эълон қилинган. Марказий ва шарқий Осиёда тарқалган будда дини давлат дини деб эълон қилинган. У жаҳон динлари орасида учинчи ўринда туради.

Христианлик эрамининг 1-асрининг иккинчи ярмида Рим империясининг шарқида пайдо бўлган. У ўрта асрларда Европадаги халқларнинг асосий динига айланди. Христианликнинг дунёнинг бошқа қисмларига кириб бориши, кўпроқ буюк географик кашфиётлар даврига тшғри келади.

Франция, Италия, Испания, Португалия, Ирландия, Австрия ва Германиянинг жанубий районлари католик черкови таъсирида. Динчи поляклар, чехлар, словаклар, словенлар, венгерлар ҳам католикка эътиқод қиладилар.

Дунёда иккинчи ўринда энг ёш Ислом дини туради. Бу дин 7-асрнинг бошларида Арабистон Ярим оролида вужудга келган Ислом динини одатда мусулмон дини деб юритилади. Географик нуқтаи назардан Ислом динига эътиқод қилувчилар нисбатан компакт жойлашган. Ислом дини шимолий-ғарбий ва шарқий Африкада, араб мамлакатларида, кичик Осиёда, Эрон, Афғонистон, Покистон, Бангладеш мамлакатларида ҳукмрон. Кипр аҳолисининг бир қисми ҳам мусулмонлардир.

Диннинг ҳам салбий таъсири бор. Турли халқлар ва миллатларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиши, диний хурофотлар ва диний қарама-қаршилик натижасида ҳатто қонуниятлар тўқишлар, уришлар келиб чиқиши мумкин. Масалан, Фаластин ва исроил муносабатларида, Афғонистон ва Чеченистондаги воқеаларда кўриш мумкин.

МДХ ҳудудида ҳам христиан дини кенг тарқалган. Христианликни православ мазҳаби кенг тарқалган. Руслар, украинлар, белоруслар, чувашлар, молдаванлар, грузинлар, осетинлар кбилар христиан динига эътиқод қилади. Католик мазҳабига ғарбий украинлар, белорусларнинг бир қисми, литваликар, латишлар эътиқод қилади.

МДХ ҳудудида иккинчи катта дин - Ислом динидир. Бу динга Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари, шунингдек, шарқий кавказ халқлари, татарлар, башкирлар, жанубий Сибирнинг туркий тилларида гаплашувчи халқлари эътиқод қилишади.

Протестант мазхабидаги халқлар яшайдиган мамлакатларда одатда никоҳ ёши ҳаммдан кеч ва ажралиш эса унчалик мураккаб эмас. Баъзи бир католик мазхабига мансуб мамлакатларда эркакларга 14 ёшда, аёлларга 12 ёшда никоҳга кириш қонун билан рухсат этилган. Католик учун никоҳни бузиш ҳам 20-30 йил олдингига нисбатан ҳозир анча осон. Илгари амалда бу ман этилган эди. Мусулмон мамлакатларида никоҳга кириш ёши жуда кичик. Бу мамлакатларда дин эрта ва мажбурий никоҳни кўп болаликни кўп хотинликни қўллайди ва кўп ҳолларда демографик сиёсатга салбий муносабатда бўлади. Индуизм ҳам эрта ва мажбурий никоҳни ҳамда кўкат ўғитлар болаликни қўллайди. Лекин мусулмончиликдан фарқ қилиб ажралишни ва иккинчи никоҳни ман этади. Илгари Ҳиндистондаги 14 ёшгача бўлган қизлар ва ўспиринларнинг ярми оила қурган бўларди.

Диний қарама-қаршиликлар кўпинча ирқий ва миллий зиддиятлар билан боғланиб, узоқ давом этадиган “қайноқ нуқталарни” вужудга келтиради.

Ер шари аҳолисининг кўпчилиги қисми асосан қуйидаги динларга эътиқод қилади: христиан, Ислом, будда. Одатда бу динлар “дунё ёнлари” деб аталади. Жаҳон динларидан энг кенг тарқалгани христиан дини бўлиб, унга асосан Европа, Америка ва Австралияда яшовчи тахминан 1 млрд киши эътиқод қилади. Эътиқод қилувчилар сонига кўра Ислом дини иккинчи ўринда туради. Асосан Африка ва Осиёда жойлашган деярли 30 га яқин мамлакатда Ислом давлат дини деб эълон қилинган. Марказий ва шарқий Осиёда тарқалган будда дини давлат дини деб эълон қилинган. У жаҳон динлари орасида учинчи ўринда туради.

Христианлик эрамининг 1-асрининг иккинчи ярмида Рим империясининг шарқида пайдо бўлган. У ўрта асрларда Европадаги халқларнинг асосий динига айланди. Христианликнинг дунёнинг бошқа қисмларига кириб бориши, кўпроқ буюк географик кашфиётлар даврига тшғри келади.

Франция, Италия, Испания, Португалия, Ирландия, Австрия ва Германиянинг жанубий районлари католик черкови таъсирида. Динчи поляклар, чехлар, словаклар, словенлар, венгерлар ҳам католикка эътиқод қиладилар.

Дунёда иккинчи ўринда энг ёш Ислом дини туради. Бу дин 7-асрнинг бошларида Арабистон Ярим оролида вужудга келган Ислом динини одатда мусулмон дини деб юритилади. Географик нуқтаи назардан Ислом динига эътиқод қилувчилар нисбатан компакт жойлашган. Ислом дини шимолий-ғарбий ва шарқий Африкада, араб мамлакатларида, кичик Осиёда, Эрон, афғонистон, Покистон, Бангладеш мамлакатларида ҳукмрон. Кипр аҳолисининг бир қисми ҳам мусулмонлардир.

Ислом дини Индонезияда ҳам асосий дин ҳисобланади. Бу динга шунингдек, Филиппин давлатининг жанубий қисмида яшовчи халқлар ғарбий Ҳитойдаги уйғур ва дунганлар ҳам эътиқод қилишади. Европада Истамбул ва унинг атрофидаги усмоний турклар, албанлар ва боснияликлар, болгарларнинг бир қисми, лўлиларнинг кўпчилиги мусулмон ҳисобланади.

Дунё инлари орасида эътиқод қилувчилар сони бўйича ҳам, географик тарқалиш ареали жиҳатдан ҳам энг кичиги будда динидир. Аммо тарихий нуқтаи назардан энг қадимги “дунё дини”дир. Ҳозир бу динга Ҳиндистон аҳолисининг бир қисми ва тибетликларнинг бирикмалар қисми дунё қилади.

Миллий динларга Ҳиндистондаги индуизм, Ҳитойдаги конфуцианлик, Япониядаги синтоизм ва бошқалар киради. Қадимий динлардан бўлган иуадизм ҳам кенг тарқлаган. Бу диннинг кўп қоидалари христиан динида қабул қилинган.

Диннинг ҳам салбий таъсири бор. Турли халқлар ва миллатларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиши, диний хурофотлар ва диний қарама-қаршилик натижасида ҳатто қонуниятлар тўқишлар, уришлар келиб чиқиши мумкин. Масалан,

Фаластин ва исроил муносабатларида, Афғонистон ва Чеченистондаги воқеаларда кўриш мумкин.

МДХ худудида ҳам христиан дини кенг тарқалган. Христианликни православ мазҳаби кенг тарқалган. Руслар, украинлар, белоруслар, чувашлар, молдаванлар, грузинлар, осетинлар кбилар христиан динига эътиқод қилади. Католик мазҳабига ғарбий украинлар, белорусларнинг бир қисми, литваликар, латишлар эътиқод қилади.

МДХ худудида иккинчи катта дин - Ислом динидир. Бу динга Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари, шунингдек, шарқий кавказ халқлари, татарлар, башқирлар, жанубий Сибирнинг туркий тилларида гаплашувчи халқлари эътиқод қилишади.

Назорат саволлари

1. Динларни тарқалиши ва аҳамияти.
2. Аҳолининг диний таркиби нима?
3. Миллий динлар ва тарқалиши деганда нимани тушунаси?
4. Жаҳон динлари ҳақида гапиринг.
5. Дунёдаги мавжуд динларнинг моҳияти ва мазмуни нимани ифода этади?
6. Энг қадимги динлар ҳақида маълумот беринг.
7. Дунё аҳолиси энг кўп эътиқод қиладиган динларни сананг.
8. Кўп динларга эътиқод қилувчи давлатларга мисоллар келтиринг.
9. Ислом дини тарқалган давлатларни санаб беринг.
10. “Авесто” нима?

Адабиётлар

1. Асанов Г. Аҳоли географияси. Т., 1978.
2. Асанов Г. Социал иқтисодий география: термин ва изоҳли луғати. Т., 1990.
3. Борисов М. Населения мира. демографический справочник. М., 1989.

10-МАВЗУ: МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СОСТАВИ.

РЕЖА:

1. Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш.
2. Турли типдаги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш.

Таянч иборалар:

Маънавий, меҳнат ресурслари, юридик соҳа, ижтимоий, структура, оқилона фойдаланиш, резерв, контингент, суръат, эксплуатация.

Мавзунинг мақсади: талабаларга меҳнат ресурслари ва уларнинг таркиби, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммолари ҳақида тушунча бериш.

Аҳолининг ўз жисмоний ва маънавий имкониятларига кўра меҳнат қила олиш қобилиятига эга бўлган қисми жамиятнинг меҳнат ресурслари ҳисобланади.

Меҳнат ресурсларининг сони турли мамлакатларда турлича, чунки, аҳолининг юрлдиқ жиҳатдан белгилаб қўйилган ва меҳнат ресурсларига киритиладиган ёш чегараси ҳамма мамлакатларда бир хил эмас. Халқаро статистикада, одатда, 15 ёшдан 65 ёшгача бўлганлар меҳнатга яроқли аҳоли ҳисобланади.

МУАММОЛИ ВАЗИЯТ: Меҳнат ресурслари ва уларнинг таркибини ўрганиш муҳим вазифалардан биридир.

Меҳнат ресурслари ишлаб чиқариш звеносида асосий вазифани бажарганлиги туфайли бу соҳани ўрганиш иқтисодий география зиммасидадир. Ҳозирги иқтисодий тушунчалар бўйича 16 ёшдан 59 ёшгача эркаклар, 16 ёшдан 54 ёшгача бўлган хотин-қилар меҳнат ёшидаги аҳоли саналади ва мамлакатни асосий меҳнат ресурслари ҳисобланади. Бу ёшдаги аҳолининг ҳаммаси ҳам ишлайди деб бўлмайди, албатта. Масалан, ишлаб чиқаришдан ажралган холда ўқиётганлар ва саломатлиги ёмонлиги туфайли ишлай олмайдиган инвалидлар ва ҳ.к. лар шулар жмласидандир. Аксинча пенсия ёшидан ошиб кетган кексалар ва шунингдек, ҳали 16 ёшга тўлмаган баъзи ўсмирлар ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришга иштирок этади. Бу меҳнатга қобилиятли аҳоли тушунчасини киритишни тақозо қилади. Меҳнатга қобилиятли аҳоли деганда ҳар қандай мамлакатнинг ёшидан қатъий назар реал меҳнат ресурслари тушунилади. Бу меҳнат ресурслари сонига бевосита таъсир қилади. Ишчи кучидан фойдаланиш муаммоларини янада рационал ҳал қилиш мақсадида меҳнатга қобилиятли аҳолини ижтимоий меҳнат билан бандлик даражаси ва ҳарактрини ҳисобга олиш халқ хўжалиги учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда умуман мамлакатимиз бўйича ва алоҳида иқтисодий районлар, шаҳарлар бўйича ишчи кучидан оқилона фойдаланиш масаласи алоҳида аҳамият касб этмокда.

Мамлакат алоҳида иқтисодий район шаҳар аҳолиси таркибидаги ишга қобилиятли аҳоли сонини аҳолининг табиий ўсиш даражасига жинс -ёш структурасига меҳнат ҳаракати кўрсаткичига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Меҳнатга қобилиятли аҳоли сони Фарғона водийси шаҳар аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Бу ерда бу кўрсаткич Ўзбекистондаги ишга қобилиятли шаҳар аҳолисининг салмоғидан собиқ Иттифокдаги барча меҳнатга қобилиятли аҳолининг умумий аҳоли таркибидаги салмоғини белгилайдиган умумиттифок кўрсаткичидан анча камдир. Водийдаги меҳнатга қобилиятли шаҳар аҳолиси салмоғининг камлиги бу ерда аҳоли сонининг табиий ўсиш кўрсаткичлари анча юқорилиги билан изоҳланади. Бу эса аҳолининг

умумий сонида болалар ва ўсмирлар салмоғининг кўплигига олиб келади ва меҳнатга қобилиятли аҳолининг салмоғига бевосита таъсир қўлланилади. Шундай қилиб водийдаги биз сўз юритган ёш структураси 16 ёшгача болалардан иборат анчагина меҳнат ресурслари резерви ва аҳолининг янги-янги контингентини ижтимоий ишлаб чиқаришга доимо жалб қилиб туриш имконияти мавжудлиги нуқтаи назардан умуман қулайлик туғдиради. Бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби Фарғона водийсида ҳам меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари нисбатан юксаклигига ва техника тараққиётининг катта муваффақиятларига қарамай, саноат ва маданиятнинг тезлик билан ўсиши негизида меҳнатга қобилиятли аҳолини ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларида банд бутун аҳолининг 40 % бевосита ижтимоий меҳнат билан шуғулланади. Фарғона водийси шаҳарларидаги меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси умумиттифоқ даражасига деярли тенгдир.

Меҳнат ресурсларини унумдорлигига кўра 5 гуруҳга бўлиб ўрганилади.

1. 16 ёшдан -19 ёшгача кўпроқ мажбурий ҳолдаги меҳнат ресурслари сифатидаги ишлар намоён қилинади.

2. 20 ёшдан - 29 ёшгача. Бу давр меҳнат ресурсларининг ёшлик даври бўлиб, асосий вақт ва куч меҳнатга тайёрланишга сарфланади.

3. 30 ёшдан - 39 ёшгача бўлган аҳоли актив меҳнат ресурслари ҳисобланади.

4. 40 ёшдан - 49 ёшгача бўлган аҳоли меҳнат ресурсларини ўрта даридир. Бу даврда тўпланган билим, кўникма ва малакалар ишга солинади.

5. 50 ёшдан - 59 ёшгача бўлган давр меҳнат ресурсларининг катта давридир. Унумдорликда пасайиш бошланади.

Меҳнатга яроқли аҳоли ўз навбатида 2 гуруҳга бўлинади: иқтисодий актив аҳоли ва иқтисодий актив бўлмаган аҳоли.

Меҳнат ресурсларини географик жиҳатдан ўрганиш мамлакатлар ва районлар аҳолисининг ҳудудий жойланиш унинг ёш таркибини ўрганиш билан бирга меҳнатга яроқли аҳолининг ишлаб чиқаришда қатнашуви ва бу қатнашувдаги фикрлар ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этаётганларнинг халқ хўжалиги айрим тармоқлари бўйича тақсимланиши халқ хўжалиги айрим тармоқларида ишчи кучидан мавсумий фойдаланиш хусусиятларини ўрганиш ҳам меҳнат ресурсларидан фойдаланишни географик тадқиқот қилишнинг муҳим томонларидан биридир.

Назорат саволлари

1. Аҳолининг меҳнат фаолияти ва бандлик даражаси.
2. Меҳнат ёшидаги аҳоли.
3. Меҳнат ресурсларини таркиби ва ўсиш суръати.
4. Меҳнат ресурслари ҳақида тушунча беринг.
5. Иқтисодий фаол аҳоли деганда нимани тушунасиз?
6. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммолари.
7. Неча ёшда йигитлар ишга яроқли ҳисобланади?
8. Неча ёшдан пенсия белгиланади ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиринг.
9. Актив меҳнат ресурслари неча ёшдаги кишиларни ўз ичига олади?
10. Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларини аҳолига тақсимлаш қандай тартибда олиб борилади?

Адабиётлар

1. Асанов Г. Аҳоли географияси. Т., 1978.
2. Асанов Г. Социал иқтисодий география: термин ва изоҳли луғати. Т., 1990.

3. Брук С.И. Населения мира. Этнографический справочник. 2-Е.изд. перераб. и доп. М., 1986.